**2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили**



# Фарғона ҳақиқати

Вақтни бой бериш боқийликка зарар келтиришдан бошқа нарса эмас!
Генри ТОРО.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ БОШ НАШРИ

Сайтимизга ўтиш учун QR кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

Газета 1917 йил 14 октябрдан чиқа бошлаган | http://farhaqiqat.uz/ | t.me/farhaqiqati | 2021 йил 26 январь, сешанба | № 8 (24501)




Халқ депутатлари вилоят ва Қўқон шаҳар Кенгашларининг қўшма сессияси

## ҚЎҚОННИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ “ТАЯНЧ НУҚТА”СИНИ ТОПИШ ЗАРУР

**Латиф шаҳарда бугун 250 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Қўқонликларнинг тадбиркорлик салоҳияти, бунёдкорлик ва яратувчанлик хислатларидан бугунги давр талаби асосида самарали фойдаланиш учун муҳит ўзгариши, қулай шароит яратилиши керак.**

Қўқон шаҳрини ривожлантиришнинг “таянч нуқта”лари топилса, кўҳна тарих ва замонавий тараққиёт мезонларини ўзаро уйғунлаштириб келаётган шаҳар аҳли ислоҳотлар жараёнида астойдил камарбаста бўлади. Бунинг учун шаҳар ҳокимлиги ва барча сектор раҳбарлари иш услуби, дунёқарашини ўзгартириши зарур.

Маълумки, қарийб икки ой давомида вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан Қўқон шаҳрида ижтимоий-маънавий муҳитни маҳаллалар кесимида хонадонма-хонадон ўрганиш, муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан вилоят ишчи гуруҳи фаолият олиб борди. Қўқон шаҳар Темирйўлчилар маданият саройида ўтказилган халқ депутатлари вилоят ва Қўқон шаҳар Кенгашларининг қўшма сессиясида ўрганиш натижалари сарҳисоб этилди.

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, халқ депутатлари вилоят ва шаҳар Кенгаши депутатлари, вилоятдаги 4 та сектор, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Қўшма сессияда вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Хайрулло Бозоровнинг амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботи тингланди. Таъкидлаб ўтилганидек, шаҳардаги 49 минг 814 та аҳоли хонадонлари ўрганилиб, 8 мингдан ортиқ муаммолар аниқланди. Ўзаро ҳамкорликда изчил саъй-ҳаракатлар олиб борилиши натижасида ушбу муаммоларнинг 80 фоизи ҳал этилиши таъминланди. Бу борада “йўл харитаси” ишлаб чиқилди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида таклиф ва ташаббус билан чиққан 176 нафар мурожаатчига ер майдони ажратиб берилди. “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида 131 та оилага икки миллиард сўм кредит маблағи ажратилди. “Қўқон ёшлар кичик саноат зонаси” ташкил этилиб, муҳандислик коммуникация тармоқлари билан таъминлаш учун 3,5 млрд. сўм маблағ йўналтирилди. Ўрганишлар давомида 86 нафар тадбиркорга ер майдони ажратилишига эришилди.

Ишчи гуруҳи кўмагида иш сўраб мурожаат қилган фуқароларнинг 240 нафари доимий ишга жойлаштирилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож 3 минг 183 нафар фуқарога 2,1 млрд. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 11 нафар фуқаро ҳомийлик асосида 60 млн. сўмлик тикув машиналари билан таъминланиб, олий таълим муассасаларида ўқиётган 7 нафар талабага 42 млн. сўм контракт пуллари тўлаб берилди. Шунингдек, ногиронлик аравачалари, эшитиш мосламалари, протез-ортопедия маҳсулотлари, сиҳатгоҳларга йўлланма ва имтиёзли ордерлар билан таъминлаш учун 65,2 млн. сўм маблағ сарфланди.

Айни пайтда 79 та кам таъминланган оилаларнинг уй-жойлари таъмирланиб, 28 таси янгитдан қурилмоқда. Кўп қаватли уйларни таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларига 2 млрд. сўм маблағ йўналтирилди. Электр энергияси таъминотини яхшилашга 1,8 млрд. сўм, газ таъминоти ишларига 745 млн. сўм, ичимлик ва оқова сув бўйича 7,1 млрд. сўмлик ишлар бажарилди.

— Афсуски, Қўқон шаҳрида халқ таълими тизими ва бошқа бир қатор ижтимоий соҳаларда муаммолар йиғилиб қолган, — деди вилоят раҳбари. – Шу боис вилоятда илк маротаба шаҳар мактаблари рақамлаштирилиб, электрон кундалик тизими жорий этилади. Натижада дарс жараёнини, керак бўлса, вилоятнинг тўртта сектори раҳбари кузатиб бориш имконига эга бўлади.

Сессияда халқ депутатлари Қўқон шаҳар Кенгаши депутатлари Авазхон Мазоитов, Равшан Исмоилов, бир қатор маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Қўшма сессияда кун тартибига киритилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

***

Хайрулло Бозоров шаҳардаги собиқ “Селикат” ғишт заводида бўлиб, бўш турган бинодан самарали фойдаланиш мақсадида технопарк ташкил этиш ташаббусини илгари сурди. Бунинг натижасида 1000 та иш ўрни яратиш мукинлиги эътироф этилди.

Шунингдек, “Қўқон” эркин иқтисодий зонасида хитойлик тадбиркорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган “Анделай” қўшма корхонасининг очилиш маросимида иштирок этди. Корхонада лойиҳа доирасида 1,5 млн. доллар миқдорида инвестиция жалб этилиб, 200 та янги иш ўрни яратилди.

“Қўқон” ЭИЗда жойлашган “Glorius business” МЧЖда импорт ўрнини босувчи велосипедлар ишлаб чиқарилмоқда. Вилоят раҳбари тадбиркор Абдувоҳид Аҳмедовнинг янги лойиҳаси тақдимоти билан танишиб, фаолият кўламини янада ривожлантириш билан боғлиқ режалари хусусида суҳбатлашди.

“Қўқонтехинвест” хусусий корхонасида 300 та иш ўрни мавжуд бўлиб, GM автомашиналари учун эҳтиёт қисмлар, қурилиш ва техник жиҳозлар тайёрланади. Корхона ишчи-хизматчилари билан мулоқотда ишлаб чиқариш салоҳиятини янада ошириш масаласида таклифлар билдирилди.

Яқин истиқболда Муқимий шаҳарчаси ва Учкўприк тумани ҳудудида саноат, буюм ва озиқ-овқат бозорлари ҳамда кўп қаватли турар жой бинолари қурилиши режалаштирилмоқда. Бош режага кўра, 46 гектар майдонда замонавий бозорлар, автотураргоҳ ва юк сақлаш омборлари, кўп қаватли уйлар, маҳалла биноси, кутубхона, хусусий клиника, хизмат кўрсатиш мажмуалари, IT маркази қад ростлайди.

Қўқон шаҳар Давлат хизматлари марказида тадбиркорлар билан учрашган вилоят раҳбари қурилиш ишларини сифатли бажариш, 20 та 9 қаватли 840 хонадондан иборат кўп қаватли турар жойларни қуришда тежамкор янги технологиялардан оқилона фойдаланиш зарурлигини таъкидлади.

“Парпашабоф” МФЙ аҳолиси мурожаати асосида маҳалла ҳудудида болалар ва катталар ўйингоҳи, “стритбол”, “воркаут” майдончалари барпо этилди. Маҳалла аҳли билан мулоқотда талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, шаҳарда яна 40 та спорт майдончалари ташкил этиш режалаштирилди.

Маълумки, “Қўқон” ЭИЗда “Ёшлар кичик саноат зонаси” ташкил этилиб, 86 та лойиҳа доирасида 210 млрд. сўм миқдорида инвестиция жалб этиш ва 2800 дан ортиқ иш ўринлари яратилиши кўзда тутилмоқда. Юзма-юз суҳбат давомида 28 нафар ташаббускор тадбиркорга 7,6 гектар ер майдони ажратиб берилди.

**Ботир МАДИЁРОВ.**
**Суратни Шерзод ҚОРАБОЕВ олган.**

Муносабат



**Шаҳноза СИДДИҚОВА,**
*Фарғона шаҳар 2-сонли оилавий поликлиника бош врачи.*

## ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИМИЗДАН БИРИ

**Бугунги кунда инсоният коронавирус пандемияси деган глобал муаммони бошдан кечирмоқда. Шу боис Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномаси аввалида халқимиз эътиборини ана шу офатга қарши курашиш бўйича якунланган йилда амалга оширилган кенг қамровли ишлар ва бу борада олдимизда турган вазифаларга қаратди.**

Пандемиянинг биринчи кунларидан бошлаб бутун бошқарув тизими ва барча тиббий муассасалар фавқулодда иш режимига ўтказилди. Қисқа муддатда Тошкент шаҳри ва ҳудудларда зарур шароитларга эга бўлган даволаш масканлари ташкил этилди. Улар зарур дори-дармон, ҳимоя ва энг замонавий диагностика воситалари билан таъминланди.

Мурожаатномада Президентимиз пандемия даврида карантин қоидаларига сабр-тоқатлилик билан амал қилган олижаноб халқимизга, хатарли вазиятда мардона ва фидойилик билан меҳнат қилган жонкуяр тиббиёт ходимларига, саховатли тадбиркорларга миннатдорчилик билдирди. Ушбу эътироф шифокорларимизни эл-юртимиз саломатлиги йўлида янада астойдил ишлашга руҳлантирди.

Кўрилган тезкор чора-тадбирлар туфайли хатарли касалликнинг кенг тарқалишига йўл қўйилмади. Юртимизда осойишта ҳаёт, иқтисодий барқарорлик давом этмоқда. Лекин дунёнинг бошқа минтақаларида пандемия билан боғлиқ хавф-хатарларнинг кучайиб бораётгани барчамизни ҳушёр ва огоҳ бўлишга ундайди.

Давлатимиз раҳбари бундан буён ҳам коронавирус пандемиясига қарши курашишни тизимли равишда давом эттириш энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлишини таъкидлади. 2021 йил давлат бюджетида шакллантирилган захира маблағ ҳисобидан аҳолини эмлаш ишлари амалга оширилади.

Поликлиникамизда 160 нафар тиббиёт ходими 46 минг 520 нафар аҳолига хизмат қилиб келмоқда.

Карантин қоидаларига риоя этиш коронавирус пандемиясига қарши курашишда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис шифокорларимиз бу борадаги тушунтириш, тарғибот ишларини бўшаштирганлари йўқ.

## ТАЙИНЛАНУВ



**РАХМОНОВ Акмал Умарович**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги 24-сонли қарори билан Рахмонов Акмал Умарович Фарғона вилояти Қурилиш бош бошқармаси бошлиғи этиб тайинланди.

Акмал Рахмонов 1974 йилда туғилган. Мутахассислиги муҳандис-қурувчи. Сўнгги йилларда Фарғона вилояти ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси раҳбари, Ёзёвон тумани ҳокимининг Саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.



**ДЖУМАБАЕВ Дилмурод Хасанбаевич**

Фарғона вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Хайрулло Бозоровнинг 2021 йил 25 январдаги 21-к сонли қарори билан Джумабаев Дилмурод Хасанбаевич вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари – вилоят ҳокимининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси этиб тайинланди.

Дилмурод Джумабаев 1978 йилда Наманган вилоятининг Наманган шаҳрида туғилган. Инглиз тили лингвистикаси магистри даражасига эга.

Сўнгги йилларда “Наманган” нашриёти бош муҳаррири, НамДУ ўқитувчиси, “Vodiymedia.uz” ахборот сайти раҳбари, “Наманганская правда” газетаси бош муҳаррири, Наманган вилояти ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари, Наманган вилояти ҳудудий туризм бошқармаси бошлиғи вазифаларида ишлаган.



**ИРКАБАЕВ Отабек Рахматович**

Фарғона вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Хайрулло Бозоровнинг 2021 йил 19 январдаги 17-к сонли қарори билан Иркабаев Отабек Рахматович Фарғона вилояти Транспорт бошқармаси бошлиғи этиб тайинланди.

Отабек Иркабаев 1979 йилда Қўқон шаҳрида туғилган. Мутахассислиги менежмент. Сўнгги йилларда “Ўзшаҳар қурилиш инвест” ИКнинг Фарғона водийси бўйича ҳудуд раҳбари, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Термиз, Қўқон минтақавий темир йўл узелларида, Қўқон шаҳар “City Rahmat stroy” МЧЖда турли лавозимларда фаолият олиб борган.

## Турнир футбол байрами тусини олди




**Хабар берилганидек, 23 январь куни “Вилоят ҳокими кубоги” учун футбол бўйича турнир старт олди. Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мусобақаларда мамлакатимизнинг 15 та жамоаси ҳамда Қирғизистон Республикасининг “Нур Баткен” клуби иштирок этмоқда.**

### ЎФА ТАШАККУРНОМАСИ ТОПШИРИЛДИ

Таниқли футбол рефереси Равшан Эрматов бошчилигидаги турнирни ўтказиш ишчи гуруҳ вакиллари вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Хайрулло Бозоров билан учрашиб, футболни ривожлантириш борасида вилоятда амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги режалар хусусида суҳбатлашдилар.

Мулоқот якунида Равшан Эрматов Хайрулло Бозоровга Фарғонада футбол оммавийлигини оширишга қўшаётган хизматлари учун ЎФАнинг Ташаккурномаси ва эсдалик совғасини топширди.

Шунингдек, ишчи гуруҳи Фарғона шаҳрида жойлашган футбол мактабларида бўлиб, спортчиларга яратилган шароитлар билан танишди. “Нефтчи”, “Турон” клублари базаларига ташриф чоғида, жамоаларнинг янги мавсумга тайёргарлик жараёнлари кўздан кечирилди.

### МУКОФОТ ЖАМҒАРМАСИ

Жорий йилги турнир олдинги йиллардан фарқ қилади. Халқаро мақомдаги мусобақа ғолиблари қуйидаги миқдорда пул мукофотлари билан тақдирланади.

**1-ўрин – 50 000 000 сўм;**
**2-ўрин – 30 000 000 сўм;**
**3-ўрин – 20 000 000 сўм.**

### ТУРНИРНИНГ ДАСТЛАБКИ ГОЛИ

Ҳақиқий футбол байрами тусини олган турнирнинг гуруҳ босқичи ўйинлари кутилганидек шиддатли ва кескин курашлар остида ўтмоқда. Турнирнинг биринчи голи муаллифи – “Турон” футболчиси Ғиёс Комилов бўлди. У “Навбаҳор-2” жамоасига қарши кечган учрашувнинг 6-дақиқасида ҳисобни очиб, жамоасининг ғалабага бўлган ишончини оширди.

### БИРИНЧИ ПЕНАЛЬТИ

“Турон” – “Навбаҳор-2” ўйинининг 55-дақиқасида яйпанликлар дарвозасига пенальти белгиланди. Жарима тўпи аниқ бажарилди. Бироқ бу гол меҳмонларни йирик ҳисобдаги мағлубиятдан қутқара олмади.

### АВТОГОЛ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Чиндан ҳам мусобақанинг биринчи куни жуда қизиқарли тарзда ўтди. Биринчи гол ва биринчи пенальтидан кейин мухлислар биринчи автоголга ҳам гувоҳ бўлишди. Бу воқеа ҳам “Турон” – “Навбаҳор-2” баҳсига тўғри келди. 78-дақиқада «Навбаҳор-2» ҳимоячиси Абдумуталов ўз дарвозасини ишғол қилиб қўйди.

### “НУР БАТКЕН” САФИДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК ФУТБОЛЧИЛАР

Қўшни мамлакат футбол жамоасининг «Андижон-2»га қарши дастлабки ўйини футбол мутахассислари ва мухлисларида катта қизиқиш уйғотди. Эътиборлиси, “Нур Баткен” сафида бир қатор фарғоналик футболчилар тўп сурди. Булар Алишер Пахриддинов, Нодир Камолов, Иззат Ғаниев ва Жўрабек Ёқубовдир.

### ЎЙИНЛАРНИ СТАДИОНДА ТОМОША ҚИЛИШ МУМКИН

«Вилоят ҳокими кубоги — 2021» мусобақаси доирасидаги учрашувларни 1000 нафаргача мухлис бевосита стадионда туриб кузатишига рухсат берилган.

Футбол ишқибозлари белгиланган тартиб-қоидаларга қатъий риоя қилиб, қизиқарли ўйинларни стадионда томоша қилиши мумкин. Тартиб-интизом ва карантин талаблари Фарғона вилоят футбол ассоциацияси ва тегишли муассасалар ходимлари томонидан қатъий назоратга олинади.

### ДЕБЮТАНТЛАР МАЙДОНГА ТУШДИ

“Бухоро”, “Бунёдкор”, “Ғиждувон” каби жамоалар турнир дебютантларидир. Бухороликлар «Ғиждувон»ни 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, дастлабки ғалабани қўлга киритган бўлишса, “Қалдирғочлар” «Навбаҳор-фарм» билан очколарни баҳам кўрди.




Мазкур ўйинда мусобақадаги биринчи дуранг натижа қайд этилди. Бундан ташқари, наманганлик футболчи қизил карточка олиб майдонни тарк этди.

**Биринчи, иккинчи тур учрашувлари натижалари қуйидагича:**

**“А” ГУРУҲИ**
«Нур Баткен» – «Андижон-2» – 2:0.
«Нефтчи» – «Пахтакор-79» – 4:0.
«Нефтчи» – «Нур Баткен» – 3:0.
«Пахтакор-79» – «Андижон-2» – 2:0.

**“В” ГУРУҲИ**
«Турон» – «Навбаҳор-2» – 4:1.
«Истиқлол» – «Уз Тонг Хонг Ко» – 3:2.
«Турон» – «Истиқлол» – 0:2.
«Навбаҳор-2» — «ЎзТонгХонгКо» – 3:1.

**«С» ГУРУҲИ**
«Бунёдкор» – «Навбаҳор-фарм» – 0:0.
«Турон-2» – «Нефтчи-2» – 2:0.

**«D» ГУРУҲИ**
«Бухоро» – «Ғиждувон» – 3:0.
«Қўқон-1912» – «Андижон» – 3:1.

**Рустам ОРИПОВ,**
**Аброр ДЕҲҚОНОВ.**

Фурқат туманида
**БИР КУН**

# Фурқатлик ёшлар нима билан банд?

**— Пандемия сабаб агентликка иш сўраб мурожаат қилувчи ёшлар сони ортди. Уларни иш билан таъминлаш масаласини ҳал этиш учун бор имкониятимизни ишга солишга ҳаракат қилдик, – дейди Ёшлар ишлари агентлиги Фурқат туман бўлими бошлиғи Ойбек Қурбонов. – Жумладан, баҳор ойларида туман ҳокимлиги, “Агропилла” МЧЖ мутасаддилари билан келишиб, ишсиз ёшларни тўпладик. Ипак қурти боқишни йўлга қўйдик. Барча маҳалла фуқароларига ушбу хабар эълон қилинди ва бир неча кунда кўнгилли ёшлар сафи 15 нафарга етди. Улар учун “Агропилла” МЧЖга қарашли бўлган Ҳамробод қишлоғидаги бўш турган объект топширилди.**

**Фурқат туманида 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар 23 минг 9 нафарни ташкил этса, улардан 1143 нафари ишсиз. Ўзини ўзи банд қилганлар 463 нафарни ташкил этади. Ташқи (350 нафар) ва ички (930 нафар) мигрантлар ризқини “Фурқат”дан ўзга ерда териб юрибдилар. Ҳудуди жиҳатидан бошқа туманлардан кичик бўлишига қарамай, туманнинг манглайига энг унумдор ерлар битган. Ғаллаю пахтани хирмон-хирмонлаб етиштиради-ю, бирорта кичик саноат зонаси йўқ. Оғриқли нуқтаси ҳам шу. Туман раҳбарлари иш сўроқлаб келганларни оилавий тадбиркорликка жалб этишнинг турли йўлларини ўйлаб топишга мажбур. Хусусан, ўтган йилнинг ўзида 70 нафар ёшга кредит ажратилиб, ишга жалб этилди. 21 ёшли Шаҳбозбек Йўлчиев шундай ёшларнинг бири.**






## 500 БЕДАНАНИ САЙРАТГАН ШАҲБОЗ

Ёшлар ишлари агентлиги Фурқат туман бўлими биносида ёшлар бандлиги хусусида суҳбатлашиб тургандик ҳамки, раис Ойбек Қурбоновни қидириб, шу йигит келиб қолди. Ўтган йилнинг октябрь ойида 30 миллионлик кредит ажратилиши билан ҳовлисидаги каталакдек хонани 500 та беданага “ватан” қилиб берган. Тўрт ой мобайнида бирортасини нобуд қилмай, меҳр бериб парвариш қилмоқда. Фаолиятини каттайтириш мақсадида келган Шаҳбозбекка биз ҳам ҳамроҳ бўлдик. Ҳар ишнинг ўзига яраша тошу тарозиси бор деганларидек, бедана боқишнинг ҳам қийинчилик деймизми, инжиқлик деймизми, ўзига хос томонлари бўларкан. Авваллари беданақовоқда бири олиб, бири қўйиб сайраётган беданаларга маҳлиё бўлибман-у, унинг жуда ўткир, ёқимсиз исидан бехабар қолган эканман. Қаҳрамонимизнинг онаси “Меҳмонлар, сизлар кирмай қўя қолинглар, ҳиди кийимингизга ўтириб қолади”, дея огоҳлантиргани бежиз эмас экан. “Хонадаги ўргимчак исларини олиб қўйганимизга бир ҳафта тухум қўймади”, дейди Шаҳбозбек бунга қўшимча қилиб. Хуллас, меҳнатлари бесамар кетмай, тилини топган йигитга беданалар кунига 300-350 дона тухум туғиб беради. Унинг режалари катта – беш юзта беданани беш мингтага етказиш, ўзи тенгқур ёшларга ҳам бу ишнинг сир-синоатини ўргатиш, ишсиз юрганларни ёнига олиш.

## ФАРҒОНАНИНГ “СТИВ ЖОБС”ЛАРИ

Ёш дастурчи Иброҳимжон Ўтбосаров тумандаги агентлик биносида ўтириб дунёнинг у четидаги, жумладан, Туркиядаги мижозларига дастур яратиб, шунга яраша мўмай даромадга ҳам эга бўлмоқда. “Асли ўзи Ўзбекистон халқаро ислом академиясида диншунослик бўйича таҳсил олишига қарамай, рақамли технологияни учалик ҳеч ким билмайди туманда, – дейди Ойбек Қурбонов. – Шу сабабли академия ректорига илтимос қилиб, марказимиз фаолиятини йўлга қўйишда ёрдам беришига имконият яратишини сўрадик. Ўқишидан бўш вақти бўлди дегунча шу ерда”.

– Шу кунгача юздан ортиқ дастур яратдик, – дейди Иброҳимжон Ўтбосаров. – Индонезия халқ университети, Сеул ҳамда Анқара университетларида таҳсил олувчи 12 нафар тенгдошим билан катта лойиҳалар устида ишлаяпмиз. Биргина мисол, 14-18 ёшларга мўлжалланган Picpoc ўйинини яратдик. Ўзим туғилиб ўсган жойимга келиб, шу ерлик ука-сингилларимга билимим ва тажрибамни бўлишаман. Ҳозирда нафақат Фурқат, балки Бешариқ, Риштон, Бағдод туманларида ҳам шогирдларимиз бор.

Қаҳрамонимиз бошчилигидаги уч кишилик жамоа фаолият юритаётган тумандаги IT марказда электр қуввати билан юрувчи болаларга мўлжалланган автомобиль яратиш устида иш кетмоқда. “Келгусида “International Robotics Challenge” халқаро робототехника мусобақаси, киберспорт (компьютер ўйинлари) халқаро мусобақаларида фурқатлик ёшлар ҳам қатнашса дейман”, дейди у. XXI асрда билакни эмас, мияни ишлатиб, жуда бўлмаса ўйин ўйнаб ҳам даромад топиш мумкин. 2018 йилда расмий спорт турлари реестрида юзинчи спорт тури сифатида тан олинган киберспорт бўйича чемпион ҳамюртларимиз – Муҳаммадали Турғунбоев, Салоҳиддин Эсоновдек ёшлар “Фурқат”дан ҳам чиқишига ишонамиз.

## ЎЗИ ГУЛ-У БИЛАГИ ЗЎР

Гулжаҳон Норматова қўл жанги бўйича 10 карра Ўзбекистон чемпиони, 5 карра Ўзбекистон кубоги, Европа чемпионати кумуш ва бронза медаль, 3 карра жаҳон чемпионати бронза медаль соҳибаси.

2020 йил 13-16 ноябрь кунлари Белоруссиянинг Минск шаҳрида ўтказилган жаҳон кубогида биринчи олтин медални Ўзбекистон терма жамоаси ҳисобига олиб берган фурқатлик қиз.

– Қўл жанги билан 10 йилдан буён шуғулланиб келаман, – дейди Гулжаҳон. – Спортга дадам қизиқтирган, онам эса доим “Сабр қил, сен ҳаракат қилсанг, омад ўзи сен томонга келади” дейдилар. Устозим Элдор ака Мақсудов мен учун жуда қадрли. У киши 10 ёшимдан буён менга мураббийлик қиладилар. Келажакда устозим каби мураббий бўлишни ният қилганман.

Гулжаҳон пандемия даврида ҳам спорт билан шуғулланишни канда қилмади. Аксинча, тенгдошларини ҳам қизиқтириб, машғулот жараёнини ижтимоий тармоқларга мунтазам жойлаб борган.

Хусусан, карантин даврида у жаҳон кубогида 1-ўринни эгаллади. Ўтган йилнинг 25-28 ноябрь кунлари Қарши шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон кубогида фаол иштирок этди.

4-6 декабрь кунлари Конституциямизнинг 28 йиллигига бағишланган вилоят ҳокими кубогида 1-ўринни қўлга киритган Гулжаҳон шахсан вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров томонидан ҳам тақдирланди.

Гулжаҳон ҳозирда Қўқон давлат педагогика институти жисмоний маданият факультетининг 2-босқич талабаси. Ўзбекистон спорт устаси, халқаро спорт усталиги номзоди, Навоий стипендияси вилоят босқичи номзоди, Фарғона вилоят Миллий гвардия бошқармаси батальонига бўлажак номзод.

Нафақат туман, вилоят ифтихори, ёш ва шижоатли Гулжаҳоннинг бундан-да баланд марраларни забт этишига ният билдирдик.

## БЎЛАЖАК МИЯ ЖАРРОҲИ

Муҳаммадали Мухторов – хорижий олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган тумандаги 138 нафар талабанинг бири. У Фурқат туманининг Эшон шаҳарчасида туғилиб, вояга етган. Ҳозирда Москва шаҳридаги нуфузли олийгоҳлардан бири – Россия Халқлар дўстлиги университетининг тиббиёт факультетида мия жарроҳлиги йўналиши бўйича таҳсил олади. Мазкур олий таълим даргоҳига у халқаро танлов бўйича қабул қилинган.

Ўқиш билан бирга айни пайтда Москва шаҳридаги Бурденко номидаги халқаро илмий-текшириш марказида ҳам фаолият олиб боради. Мия хирургияси бўйича жарроҳлик амалиётларида фаол иштирок этиб келмоқда.

Муҳаммадали, шунингдек, илмий-тадқиқот билан машғул. Бир йил ичида тиббиётга оид 3 та китоби нашр этилган, соҳани ривожлантиришга оид кўплаб тренинглар муаллифи.

– Билимли киши ҳеч қачон хор бўлмайди, – дейди туман ҳокими Дилмурод Солиев. – Мана, Муҳаммадали Мухторов – сўзимизнинг исботи.

## ТАВАККАЛ ҚОДИРОВНИНГ “ЧЕВАРАСИ”

2020 йил август ойида “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланганлар сафида Фурқат тумани Кармак қишлоғида яшовчи Асилбек Аҳаджонов ҳам бор. Айни пайтда Ўзбекистон давлат консерваторияси “Академик ижрочилик” факультети “Халқ чолғуларида ижрочилик” таълим йўналишида таҳсил олади.

Август ойи Асилбекка қувонч ва муваффақиятлар, хушхабарлар келтирувчи ойга айланди. Негаки, 2019 йилнинг айни шу ойида “Ниҳол” мукофотига сазовор бўлганди.

Ўзи ёш бўлишига қарамай, фурқатлик қаҳрамонимиз анча ютуқларга эришган, санасак санагудек. 2011 йилда Қарши шаҳрида ўтказилган “Муҳиддин Қори Ёқубов”, 2014 йил “Фаррух Мирусмонов” номидаги ёш созандалар, 2014 йилда Франциянинг Париж шаҳрида ўтказилган “Париж оҳанглари”, 2015 йил Россиянинг Қозон шаҳрида ўтказилган “Живой родник”, 2015 йил Қозоғистон Республикасининг Чимкент шаҳрида ўтказилган “Дарын”, 2016 йил Италиянинг Рим шаҳрида ўтказилган халқаро кўрик-танловларнинг барчасида фахрли I ўрин, Гран-при соҳиби бўлган.



Барча меҳнату интилишлари муносиб тақдирланиб, Асилбек Аҳаджоновга 2017 йили Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши томонидан “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони топширилган.

Албатта, бу ютуқларнинг ортида тинимсиз изланиш, машаққат, уйқусиз кечалар, борилмаган байраму базмлар бор. Буларнинг кўпи Асилбекка ўхшаган муваффақиятли ёшнинг ҳар бирига таниш, бизга эса қоронғи.

Ёшлар ишлари агентлиги Фурқат туман бўлими бошлиғи, тиниб-тинчимас Ойбек Қурбоновнинг “Қилаётган ишларимдан ҳеч кўнглим тўлмайди. Бир кунда 10 та мурожаатчи келса, уларнинг бештаси хурсанд кетса, бештасининг муаммоси ҳал бўлмай қайтади. Шу сабабми, фаолиятим давомида кимгадир ёрдам берганимдаги хурсандчиликдан кўра ёрдам беролмаганимнинг юки тарозининг палласини оғирроқ босади” деган сўзларини тинглаб, шундай хулосага келамиз: “Фурқатнинг қатор армонлари билан бирга ҳавас қилса арзигулик ёшлари ҳам бор. Келажак ёшлар қўлида экан, улар кун келиб мана шу муаммоларга ҳам ечим топади, дея умид билдирамиз...”

**Севара АЛИЖОНОВА,**
**“Фарғона ҳақиқати” газетаси махсус мухбири.**
**Дурдона ҒАФФОРОВА,**
**“Навбаҳор” газетаси муҳаррири.**

Хабарингиз **БОРМИ?**



## МАИШИЙ ГАЗ БАЛЛОНЛАРИНИ ОЛИШНИНГ ЎЗ ТАРТИБИ БОР

**Табиий газ етиб бормайдиган ҳудудлардаги аҳоли хонадонларига суюлтирилган газни узлуксиз етказиб бериш мақсадида вилоятимизда доимий саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Бу борада белгиланган тартибга кўра, шаҳар-туманлар аҳолиси, энг биринчи навбатда марказдан олис ҳудудларда яшовчи истеъмолчиларга 20 кг маиший газ баллонлари фойдаланиш учун (битта хонадонга бир дона) ижарага берилади.**

Янги уй-жойга кўчиб ўтган аҳолида маиший газ баллони мавжуд бўлмаса, унда ҳудудий газ таъминоти идораси билан истеъмолчи ўртасида тегишли шартнома тузилиши зарур.

**Маиший газ баллонларини ижарага беришда қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:**

**— ариза (филиал ёки шаҳар/туман газ таъминоти бўлими бошлиғи номига);**

**— истеъмолчининг паспорт нусхаси;**

**— оилавий шароити ҳақида маълумотнома;**

**— истеъмолчининг СТИР рақами;**

**— истеъмолчи томонидан тилхат.**

Ҳужжатлар тақдим этилганидан кейин газ таъминоти филиали ва истеъмолчи ўртасида икки томонлама шартнома тузилиб, маиший газ баллони фойдаланиш учун ижарага берилади. Ижарага берилган маиший газ баллон учун ҳақ олинмайди.

Таъкидлаш жоизки, 20 кг маиший газ баллонларига тасдиқланган нархномалар асосида қуйидаги техник хизматлар кўрсатилади:

— аҳоли хонадонларига биринчи маротаба маиший газ баллонларини ўрнатиш, созлаш ва ишга тушириш хизматини кўрсатиш. Хизмат ҳақи – 99 533 сўм (ҚҚС билан);

— суюлтирилган газ баллони редукторини 1 йилда бир марта тафтиш (ревизия) ишларини ўтказиш. Хизмат ҳақи – 32 266 сўм (ҚҚС билан).

Суюлтирилган газ ва маиший газ баллонлари аҳолига имтиёзли нархда фақат овқат пишириш учун берилади. Битта 20 кг суюлтирилган газ баллонни 22 400 сўмдан участка масъул ходимлари томонидан аҳоли хонадонларига етказилади. Шу фурсатдан фойдаланиб, ҳамюртларимизни яна бир бор газдан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя этишга чорлаб қоламиз.

**Сардорбек АБДУЛЛАЕВ,**
**“Hududgaz Farg`ona” газ таъминоти филиали матбуот хизмати раҳбари.**




# ФАРҒОНАГА САЙЁҲЛАР ОҚИМИ ОШАДИМИ?

**Фарғона вилояти туризмни ривожлантириш ҳудудий бошқармасида матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, ички ва хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда. Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида туризм ва спорт соҳалари бўйича ҳам устувор вазифа, йўналишлар белгилаб берилди.

– Фарғона водийси, хусусан, вилоятимизнинг туризм салоҳияти ўзига хос жиҳатлар ва афзалликларга эга. Албатта, карантин талабларининг жорий этилиши ўтган йилги бир қатор режаларимизни амалга оширишда мураккабликлар келтириб чиқарди, – деди вилоят туризмни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи Музаффар Темиров. – Сайёҳлар оқимининг сезиларли даражада камайганига қарамай, туризмни ривожлантиришда муҳим саналувчи замонавий меҳмонхоналар, хостел ва оилавий меҳмон уйлари ташкил этилди, 52 ўринли “Голден Ўзбегим”, 70 ўринли “Хотел Терра Нова”, 62 ўринли “Тантана” меҳмонхоналари фаолиятининг йўлга қўйилиши бунга мисол бўла олади.

Вилоятимизда 46 та меҳмонхона (2253 ўрин), 151 та оилавий меҳмон уйлари (1080 ўрин), 10 та хостел (262 ўрин) фаолият юритади. Мавжуд сўлим гўшалар, шаҳар-туманларда кўплаб табиий ва маданий мерос ёдгорликлари, диққатга сазовор жойлар бўлиб, улар хорижлик меҳмонларни бефарқ қолдирмайди. Ўтган йили вилоятимизга 34 мингдан зиёд (5,8 минг хорижлик) саёҳатчи келган бўлса, жорий йилда 500 мингдан ортиқ сайёҳлар ташриф буюриши кўзда тутилган. Эндиликда жараёнга замонавий ахборот технологияларини татбиқ этиш, ички ва ташқи туризм бўйича янги йўналишлар очиш, электрон харита яратиш сингари масалалар устида иш олиб борилмоқда.

Келгусида сайёҳларни кўпроқ жалб этиш, янги иш ўринлари яратиш, турли фестиваллар ўтказиш, бу соҳага маҳаллий ва хорижий инвестицияларни олиб кириш ва бошқа режалар бўйича қизғин мунозаралар давомида ёш тадбиркорлар, дастурчилар ҳам ўз лойиҳалари билан ўртоқлашдилар.

**Ҳ.БОЙБОБОЕВ.**



**Суратларни Шерзод ҚОРАБОЕВ олган.**

# Ёшларни руҳлантирган УЧРАШУВ

**Эҳтиёжманд оилалардаги ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш орқали жамиятда ўз ўрнини топишларида ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш секторлар фаолиятининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.**

Мазкур вазифалар ижроси юзасидан вилоят прокурори Улуғбек Қосимов Данғара туманида бўлиб, сектор раҳбарлари ва масъуллар иштирокида ўтказилган навбатдаги тадбирда тумандаги ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар аҳволи танқидий муҳокама қилинди ва масъулларга аниқ кўрсатмалар берилди.

Муҳокамалардан сўнг ёшларга ва тарбияланувчиларга етарли шарт-шароит яратилмаган тумандаги 17-сонли умумтаълим мактаби, 1, 4-сонли мактабгача таълим муассасаларида қурилиш-таъмирлаш ишлари бошланди. Шунингдек, вилоят прокурори туманда “Ёшлар дафтари”га киритилган ишсиз ва эҳтиёжманд оилаларда яшовчи ёшлар ҳамда ёш тадбиркорлар билан учрашиб, уларнинг муаммо ва таклифлари эшитилди.

Учрашувда ишга кириш, тадбиркорлик фаолияти учун кредит ажратиш, электр таъминоти ва бошқа масалаларга доир 47 та мурожаат қабул қилиниб, уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича 40 таси ҳал этилди.

Масалан, мурожаатлар асосида 23 нафар ишсиз ёшларнинг меҳнат бандлиги таъминланди.

Вилоят прокурори томонидан туманнинг “Чинобод” маҳалла фуқаролар йиғинидаги бўш турган 24 гектар ер майдонни кичик саноат зонаси сифатида ажратиш орқали ёшлар иштирокидаги тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва янги иш ўринлари яратиш бўйича таклиф билдирилди.

Шунингдек, деҳқончилик билан шуғулланиш истагини билдирганларга 10 сотихдан ер майдонлари ажратиш юзасидан 50 нафар ёшлар рўйхати шакллантирилиб, ер майдонлари ўлчаб берилмоқда.

Ёшларга мотивация берган учрашувлардан бири туман маданият марказида ташкил этилди. Машҳур спортчилар билан суҳбат ёшларга янги марраларни забт этиш учун катта куч бахш этди.

**Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ.**

АТБ TURON BANK



# ЛИМОН ЕТИШТИРГАН ОИЛАНИНГ ДОИМИЙ ДАРОМАДИ БЎЛАДИ

**"Туронбанк" АТБнинг Фарғона филиали томонидан вилоятимизда 76,9 гектар майдонда лимон етиштиришга ихтисослашган замонавий иссиқхоналар ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда.**



**— "Туронбанк"нинг 1 млрд. 100 млн. сўм имтиёзли кредити эвазига Тошлоқ туманининг қишлоқ хўжалигида самарали фойдаланилмай келинган ушбу ҳудудида 1 гектар замонавий иссиқхона ташкил этдик,** — дейди "Diomont fruts" фермер хўжалиги раҳбари Азизбек Абдуллаев. — **Лимон уч йилда ҳосилга киришини инобатга олиб, дастлабки йиллари булғор қалампири, помидор-бодринг, қовун етиштириш орқали даромад олишни режалаштиряпмиз. Шу кунларда сув минораси ўрнатилиб, томчилатиб суғориш технологияси жорий этиляпти.**

Бугунги кунга қадар Тошлоқ, Фарғона, Ёзёвон ва Ўзбекистон туманлари ҳамда Фарғона шаҳрида қарийб 10 гектар майдонда иссиқхоналар қуриб битказилди.

Шунингдек, марказлашган ҳолда Тошлоқ туманида 50 гектар, Фарғона туманида 10, Сўхда 4, Бағдодда 1, Риштон туманида 0,5 гектар ер майдонида иссиқхоналар ташкил этиляпти. Белгиланган режага кўра, ушбу иссиқхоналар жорий йилнинг май ойида тўлиқ ишга туширилади.

Лимон етиштириш соҳасида иссиқхоналар кенгайтирилиши натижасида 1 минг 200 дан зиёд янги иш ўринлари яратилиб, асосан "Темир дафтар", "Ёшлар дафтари" ва "Аёллар дафтари"га киритилган оилалар вакиллари жалб этиляпти. Мисол учун, Тошлоқ туманида барпо этилаётган йирик лимончилик комплексларига "Юқориқишлоқ", "Заркент", "Турват", "Жарқишлоқ", "Чуқурқишлоқ" ва "Янги йўл" МФЙларида яшовчи ана шундай оилалар аъзолари ишга жойлаштирилди.

**МАЪЛУМОТ ЎРНИДА**

**Бир гектар иссиқхонага 1 минг 100 туп лимон кўчати экилади. Учинчи йилдан бошлаб бир туп лимон кўчати ўртача 15 кг ҳосил беради. Учинчи йили бир гектардан 16,5 тонна лимон ҳосили олиш мумкин.**

**Бир килограмм лимонни бугунги нархда 1,5 долларга экспорт қилиб, бир гектардан 24,8 минг доллар даромад олиш имкони бор.**

Таъкидлаш ўринлики, икки йил давомида лимон кўчати орасига булғор қалампири экиб, бир гектар ердан 22 тонна ҳосил олса бўлади. Ҳозирги кунда бир кг булғор қалампири бозорда ўртача 8 минг сўм эканлигини инобатга олсак, оила бюджети бир гектар ердан олинган 176 млн. сўм даромад орқали янада бойитилади.

Бу борада оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳам устувор вазифаларимиз сирасига киритилган. Шу мақсадда вилоятнинг Бағдод, Қува, Риштон, Фарғона, Бувайда, Учкўприк ва Бешариқ туманларида 57 та оила учун 1,6 гектар, Фарғона туманида 392 та оила учун марказлашган ҳолда 9,8 гектар ерда ихчам иссиқхоналар қуриб берилди. Иссиқхоналар асосан кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилалар бандлигини таъминлаш учун ажратилди.





"Туронбанк" АТБ Фарғона филиали томонидан вилоятимизнинг барча шаҳар-туманларида лимончиликни ривожлантириш мақсадида аниқ ва манзилли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Шу асосда яқин истиқболда Фарғонада лимон етиштириш ва экспорт қилиш борасида аҳолининг доимий даромад манбаига эга бўлишини таъминлашга хизмат қилувчи янги тизим яратилади.

**Шуҳратхон АБДУЛЛАЕВ,**
**"Туронбанк" АТБ Фарғона филиали бошқарувчиси.**



Театр ҳаёти.

Мулоҳаза

# Эътирозлар ҳақлими?..

**Сўнгги пайтларда оммавий ахборот воситалари маданият, санъат, хусусан, театр санъати мавзусига тез-тез мурожаат қиладиган бўлиб қолди. Бу табиий ҳол. Зеро, республикамиз Президенти соҳага мунтазам эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Маданият ва санъатнинг жамиятимиздаги ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор қарорларнинг қабул қилиниши, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан вазирликлар, йирик корхоналар билан театрлар ўртасида дўстлик клубларининг ташкил қилиниши бунинг ёрқин мисолидир.**

Эътибор ва ғамхўрликлардан Фарғона вилояти театрлари четда қолгани йўқ. Уларнинг моддий-техник базасини яхшилаш учун бюджет ҳисобидан маблағлар ажратилди. Автобус ва енгил автомашиналар билан таъминланди.

Санъат жамоалари бундай эътиборга қай даражада жавоб қайтаряпти? Ижодий фаолиятларини қай йўсинда йўлга қўйяпти? Бу кўпчиликни қизиқтираётган ва ўйлантираётган масалалар. Оммавий ахборот воситаларида, хусусан, газета ва журналларда эълон қилинаётган мақолаларда мазкур мавзулар атрофида сўз юритиляпти. Билдирилаётган эътироф ва эътирозларнинг аксарияти тўғри. Бунинг учун муаллифларга раҳмат айтмоқ лозим. Аммо, айрим мақолаларда ҳиссиётга берилибми ёки соҳани тугал ўрганмай турибми, бир ёқлама, нохолис фикр юритиш ҳоллари ҳам учраб турибди.

Хусусан, Фарғона вилоят мусиқали драма театри ҳақида ёзилганда, нега томоша заллари бўм-бўш, рейтинги тушиб кетди, деган иддаолар кўриниб қолмоқда. Уларда маълум маънода жон борлигини рад этолмаймиз. Зеро, ҳар бир театр жамоасининг гуллаб-яшнаган, машҳурлик чўққисига чиққан даври бўлади. Айтайлик, пойтахтдаги Миллий академик театрининг "Отелло" ёки "Гамлет", Муқимий номли мусиқали драма театрининг "Тошболта ошиқ" спектакллари саҳналаштирилган пайтларидаги довруғи ҳали ҳамон ёдимизда.

Фарғона вилоят мусиқали драма театрининг машҳурлик пайтини эсга олайлик. Буни катта ёшдаги театр мухлислари яхши билади. Ўтган асрнинг 40-50-йиллардаги "Тоҳир ва Зуҳра", 60-80- йиллардаги "Қумрининг муроди", 80-йиллар поёнидаги "Темир хотин", "Тошкентга саёҳат" спектакллари жамоани машҳур қилган. Шундан кейинчи? Тўғри, яхши режиссёр жамоанинг омади. Агар у истеъдодли, режиссёрлик топилмаларига бой бўлса. Ўз даврида Зуннун Мадалиев, Носир Отабаев, Олимжон Салимов ўзларининг дурдона спектакллари билан жамоани машҳур қилишди.

Ҳар бир даврнинг ўз муаммоси, долзарб мавзуси бўлади. Уларни саҳна томошаси даражасига етказиб, халққа етказиш театрларнинг вазифаси. Театр Маҳмудхўжа Беҳбудий айтганидек, ибратхона. Буюк режиссёр Баҳодир Йўлдошев ибораси билан айтганда, илм қаторидаги покланиш маскани, ҳар бир киши ўзини кўрадиган кўзгу. Шу жиҳатдан келиб чиқиб, яхши саҳна асари яратилмаслиги театрлар фаолият юритмаяпти дегани эмас. Уларнинг томошабинларга енгил кулгу беришидан ташқари, тарбиявий аҳамиятга эга, халқни маънан бойитадиган саҳна асари яратишдек вазифаси ҳам бор.

Баъзан рейтинги тушиб кетди, деган ноўрин таъна тошлари отилаётган Фарғона вилоят мусиқали драма театри фаолиятига назар ташлаб кўрайлик.

Театрда сўнгги тўрт-беш йилда шундай асарлар яратилдики, улар тўла маънода мустақиллик мафкурасига хизмат қилади. Халқимизга маънавий озуқа беради. Тарихимизнинг шонли саҳифалари, буюк ватандошларимиз ҳаёти ва жасоратли ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади.

Сир эмас, кўпчилик улуғ олим Аҳмад Фарғоний номини эшитгану унинг илмий фаолияти, кашфиётлари нималардан иборат эканлигини билавермайди. Театр жамоаси бу мавзуга қўл урди. Пойтахтдан таниқли режиссёр Марат Азимов таклиф қилинди. "Аҳмад Фарғоний" спектаклини томошабинлар, айниқса, илм аҳли, талаба ва ўқувчилар катта қизиқиш билан кутиб олди. Республика Маданият вазирлигининг тавсияси билан театр жамоаси Тошкентга таклиф этилиб, спектакль Миллий академик театр саҳнасида намойиш этилди. Марказий телевидение томонидан тасвирга олиниб, мунтазам эфирга узатиб борилмоқда.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг "Навоий ва Бойқаро" пьесаси ҳам саҳналаштирилди. Бу спектакль нимаси билан муҳим эди? Навоий ҳақида аввалги асрда томошабоп асарлар яратилганлигига кўпчилик гувоҳ. Улардаги бадиий пухта шеърий сатрлар тилимизга ва онгимизга жо бўлиб кетган. Аммо тарихий ҳақиқат бузилганини илм аҳли биларди, холос. Орадан етмиш йилдан зиёд вақт ўтиб, айнан Фарғона театри бу спектакли билан Навоий ва Бойқаро муносабатларига ойдинлик киритиб, Бойқаро шахсини бўй-басти билан кўрсатиб берди. Спектакль вазирлик тавсияси билан пойтахт саҳнасида намойиш қилинди. Телевидение тасмасига ёзиб олинди.

Шунингдек, Фурқат ҳақидаги спектаклда ҳам тарихий ҳақиқатни тўғри кўрсатишга ҳаракат қилинди. Зеро, театрда ҳар йили тўрт-бешта спектакль яратиляпти. Республика миқёсидаги кўрик-танловларда, халқаро фестивалларда иштирок этиб, Фарғона театр санъати обрўсига обрў қўшиб келмоқда.

2020 йилда ҳам театр жамоаси қайноқ ҳаётни бошидан кечирди. Пандемия шароити ишлашнинг янгича шакли ва тизимини "кашф" этди. Масофадан туриб, ZOOM усулида ишлаш деган иборалар истеъмолимизга кириб келди. Жамоа бу усулни тез ўзлаштирди. Ўтган йил нохуш синовлари билангина эмас, қувончли саналари билан ҳам ёдда қолди. Шулардан бири Иккинчи жаҳон урушида эришилган ғалабанинг 75 йиллигидир. Театр жамоаси мазкур санага бағишлаб Марат Азимов режиссёрлигида атоқли адиб Саид Аҳмаднинг "Уфқ" романи асосида спектакль тайёрлаб, онлайн тарзда намойиш этди. Уни томошабинлар ҳам, санъатшунослар ҳам самимий кутиб олди.

Олтиариқлик фермер, Ўзбекистон Қаҳрамони Лола Муродованинг ҳаёти ҳар бир йигит ва қиз учун ибрат мактабидир. Театр жамоаси унинг умр йўли, жасоратли меҳнати ҳақида ҳикоя қилувчи "Лола ёхуд барханларда унган гул " (муаллифлар Энахон Сиддиқова ва Сайдали Одилов) спектаклини яратишга киришди. Хаёлий эмас, ҳаётий қаҳрамонни яна унинг кўз ўнгида саҳнага олиб чиқиш осон иш эмас эди. Шу боис, ёш истеъдодли режиссёр Обиджон Абдуллаев қаҳрамон ҳузурида қайта-қайта бўлди. Ижодий жамоа асар қаҳрамонининг ибратли ҳаёт йўлини унинг ўзидан эшитди. Машаққатли ижодий меҳнатдан сўнг спектакль аввал республика Маданият вазирлиги мутахассисларига, вилоятимиз адабий жамоатчилигига, сўнг томошабинларга тақдим қилинди. Тақдимотда Ўзбекистон Қаҳрамони Лола Муродова ҳам қатнашиб, ҳаёт йўли тўғри талқин қилинганини эътироф этди. Жамоатчилик "Қаҳрамонни ўз кўз ўнгида саҳнага олиб чиқиш театрлар тарихида янгилик" деб баҳолади.

Театр жамоаси ҳар бир асарни катта машаққат билан яратади. Улар, бир сўз билан айтганда, фидокор инсонлар, қишнинг чилласида енгил, саратонда қалин кийимларда роль ўйнайдилар. Театрлар ҳақида фикр юритганда, улар фаолиятига бир томонлама баҳо бериш инсофдан бўлмас. Шундай пайтда савол туғилади: оммавий ахборот воситаларида билдирилаётган эътирозлар ҳақлими? Ўйлаб кўрадиган масала...

**Сайдали ОДИЛОВ,**
**Фарғона вилоят мусиқали драма театри адабий бўлим мудири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

**ТАҲРИРИЯТДАН:** *Сиз газетанинг 2021 йил 1 январь сонидаги "Актёр санъатдаги ўзини эмас, ўзидаги санъатни севиши керак" сарлавҳали Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммадсоли Юсупов билан суҳбатни ўқигандирсиз. Сайдали Одилов гарчи ўша мақола сарлавҳасини тилга олмаса-да, унга жавоб ёзгандек фикр юритади. Таҳририят ҳакам эмас. Ким ҳақ, ким ноҳақлиги Сизнинг ҳукмингизда. Хўш, ҳурматли газетхон, Фарғона вилоят мусиқали драма театри фаолиятидан қониқасизми? Таклиф ва фикрларингизни кутиб қоламиз.*

## ЭЪЛОНЛАР

**КОМИССИЯ ТУЗАТИШЛАР КИРИТДИ**

"Фарғона ҳақиқати" газетасининг 2021 йил 22 январь кунги 7-сонида чоп этилган "Фарғона вилоят шаҳарлар, шаҳарлар атрофи ва шаҳарлараро вилоят ичи йўловчиларни ташиш йўналишларини жойлаштириш учун очиқ тендерлар ташкил этиш бўйича комиссияси қуйидаги вилоят ичи шаҳарлараро, шаҳар атрофи ва шаҳар ичи йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очиқ тендер танловини ўтказади" сарлавҳали эълоннинг

**"Йўловчиларни автобусларда ташиш"** бўлими 19-тартиб рақамидаги "ШИ — 66 Найманча автобекати – Темир йўл вокзали (Деҳқон бозори орқали)" дейилган жумласи "ШИ — 66 Темир йўл вокзали — Темир йўл вокзали" (Деҳқон бозори орқали)",

**"Йўналишлар пакети"** бўлими 1-тартиб рақамидаги "ШИ — 60 Найманча автобекати — Темир йўл вокзали (1-лицей орқали)" дейилган жумласи "ШИ — 60 "Янги бозор — Янги бозор" (ҚДПИ орқали)",

**2-тартиб рақамидаги** "ШИ — 70 Найманча автобекати — Темир йўл вокзали (18-мактаб орқали)" дейилган жумласи "ШИ — 70 "Янги бозор — Янги бозор" (Тез тиббий ёрдам орқали)" деб ўқилсин.

**ВИЛОЯТ ТЕНДЕР КОМИССИЯСИ ҲАЙЪАТИ.**

Фарғона вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан 2019 йилда Юсупова Наргизахон Бурхоновна номига берилган PA-I-E 0059866 рақамли малака тоифа сертификати йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан 2019 йилда Бораймова Насиба Алижоновна номига берилган PA-I-E 0069507 рақамли малака тоифа сертификати йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона политехника институти ҳузуридаги Фарғона саноат ва хизмат кўрсатиш техникуми (собиқ Фарғона саноат ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи)ни 2014 йилда тамомлаган Исмоилов Акбаржон Ибрагимович номига берилган К 3335883 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона давлат университети 1996 йилда тамомлаган Носиржонов Отабек Расулович номига берилган 082194 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона давлат университети жамоаси физика-математика факультетида узоқ йиллар фаолият олиб борган **Қўноқ Ҳусаенович ШАБАДИКОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Кинология хизмати:

# "ХАФ, ХАФ" ДЕБ ХАВФНИ СЕЗУВЧИЛАР

**"Нега туҳмат қиласанлар, топсанг ҳисоб-да" дея сўзамоллик қилаётган йигит машинадан итни олиб тушишганида бирдан жимиб қолди. Ит ҳидлаб, хонада у ёқдан-бу ёққа бориб келарди. Лекин бу узоққа чўзилмади. Девор орасига ўрнатилган печка ёнида тўхтаб, вовуллай бошлади. Гумонланувчининг тиззалари қалтиради, томоғи қуриб овози чиқмай қолди. Совуқ кунлар келишига ҳали анча бор, шунинг учун вақтинча фойдаланилмаётган печка ичига яширилган – қоғозга ўраб, устидан целлофан тортилган гиёҳванд моддани ходимлар жиноий ашё сифатида гувоҳлар иштирокида расмийлаштиришди... Ҳалиги йигит айбига иқрор бўлди, қанчалаб умрларга зомин бўлувчи, кўплаб жиноятларга "чўғ" вазифасини ўтовчи гиёҳванд модда тарқалишига чек қўйилди.**

Божхона постидан ўтаётган турнақатор машиналар. Бир қараганда ҳаммаёқ тинч-осуда, барчаси одатдагидай. Формали ходим худди сайрга чиққандай итини етаклаб ўтади. Лекин бир юк машинаси олдига келганда ит безовталаниб, ҳурий бошлади. Кейин машинага чиқмоқчидай, тик туриб кузовни тимдалай бошлади... Махсус майдонга олиб кириб текширилгач, маълум бўлдики, ортилган юклар орасига қурол яширилган экан...

Бу воқеалар бирор фильм ёки китобдан олинган эмас, одамларга ёрдам беришга, қонунбузарлар ва жиноятчиларни ушлашга ўргатилган хизмат итлари фаолиятидан бир неча мисол.

Ҳа, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида хизмат итларининг роли катта аҳамиятга эга. Оддий итлардан фарқли бу жониворларнинг ҳаёт тарзи, кинология соҳаси билан яқинроқ танишиш мақсадида Фарғона вилояти ИИБ патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси кинология хизмати фаолиятини мувофиқлаштириш бўлимига йўл олдик.

– Бу соҳада 18 йилдан буён ишлаб келмоқдаман. Мана бу – Сэм лақабли итимнинг сурати. У билан жуда аҳил эдик, – дейди бир хўрсиниб, кўкрак чўнтагидан ит билан тушган суратини олиб кўрсатаркан, кинолог ходим Азизбек Исмоилов. – Оила аъзоларим ҳам ҳар йили Янги йил байрамини у билан бирга нишонлашга ўрганиб қолишганди. Сэм билан бир неча маротаба республика чемпионлигини қўлга киритганмиз... икки йил аввал "тўрт оёқли дўстим" саратон касалига чалиниб қолди...

Азизбекнинг юз қиёфаси жиддийлашиб, недир хаёллар оғушига ғарқ бўлади. Балки жиноятчиларни ушлашдаги Сэмнинг маҳорати, ғаройиб қобилиятлари ҳақида ўйлаётгандир. Ёки бирор операция пайтидаги таҳликали вақтларда юрагидан ўтган бироз қўрқув, ҳаяжон хотирасини банд қилдимикан?

– Ҳозир "Верона" лақабли ит билан шуғулланаман. У ҳам жуда ақлли, ўтган йили республика мусобақасида из-қидирув йўналишида биринчи ўринни эгалладик. Яқинда, аниқроғи, 13 январь куни шаҳримизда ўтказилган рейд давомида Верона гиёҳванд моддаларни яширилган жойдан топиб, жиноятни фош қилди, – дея давом этади ниҳоясиз хаёллар гирдобидлан чиқишга уриниб Азизбек.

Тренажёр майдонида ўнлаб итлар ва уларга бириктирилган ходимлар қизғин машғулот билан банд. Ҳайрон қолдиргани – хизмат итларининг бирортаси бизга эътибор ҳам бермади. Топшириқни уддалаш, ўрганиш, таъбир жоиз бўлса, "илм олиш", олинган билимни амалиётда қўллаш уларнинг ҳаёт тарзига айланган гўё. Илгари итларга буйруқ рус тилида берилган бўлса, эндиликда ўзбекчалашди. "Ташла!", "Тўхта!", "Сакра!", "Топ!", "Изла!" сингари буйруғу хитобларга тўлиб-тошган эди машғулот майдони. Итлар абжирлик, мақтовдан эркаланиб ҳаракат қилишарди.



– Ҳозирги кунда бўлим тасарруфида 70 бош хизмат итлари мавжуд бўлиб, немис, Шарқий Европа, Бельгия овчаркалари (Малинуа), Лабрадор ҳамда рус спаниел зотига мансуб итлардан кенг фойдаланилмоқда. Асосан из-қидирув, портловчи моддалар ва гиёҳванд моддаларни қидириб топиш, антитеррор ҳамда қўриқлаш каби махсус йўналишларга ўргатилиб, хизматда фойдаланилади, – дейди хизматни ташкиллаш бўлинмаси бошлиғи, катта сержант Элёржон Камолов. – 2020 йил давомида жами 965 маротаба хизмат итлари воқеа жойларига олиб чиқилиб, 286 та жиноят очилишига эришилди. Шунингдек, улар билан 1047 маротаба профилактик тадбирларга чиқилиб, жами 6,5 кг дан ортиқ гиёҳванд моддалар аниқланди, кўплаб жиноятларнинг олди олинди. Бугунги кунда мазкур бўлим томонидан Миллий гвардия бошқармаси билан ҳам ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилган.

Бу ақлли жониворларнинг ҳар замон "Хаф, хаф" дея вовуллашлари гўё хавфдан огоҳ этаётгандай туюлар, "тўрт оёқли посбонлар"нинг юртимиз тинчлиги, фуқароларимиз осойишталигини асрашдаги хизматларидан миннатдорлик ҳисси юрагимизни чулғаб олганди.

**Ҳаётжон БОЙБОБОЕВ.**

**Маълумки, 13 йил (1937-1950 йиллар) Ўзбекистоннинг 1-раҳбари бўлиб ишлаган, 50-йиллар бошида (1950-1953 йиллар) СССР Пахтачилик вазири бўлган бу инсон Ўзбекистон тараққиёти учун мислсиз катта кўламдаги ишларни амалга оширишга муваффақ бўлди. Ўзининг катта ташкилотчилик қобилият ва чуқур инсоний хислатлари билан "Усмон ота" деган улуғ номга сазовор бўлди.**

**Мустамлака империя замонида Усмон Юсупов аввал Москвадан Ўзбекистонга ва бир фурсатдан кейин – 1955 йилда Мирзачўлга – бугунги Боёвут совхозига деярли сургун қилинди. Ота қайси участкада ишламасин, ўз халқига умрининг охиригача садоқат билан хизмат қилди...**

**Бугун Усмон Юсупов билан бирга ишлаган кадрлар бармоқ билан санарли даражада кам қолди. Шулардан бири 50-йилларда Усмон Юсупов ишлаган хўжаликда муаллим бўлиб ишлаган ва кейинчалик етук давлат ва жамоат арбоби бўлиб етишган Азиз Тўраевдир.**

**Ушбу саҳифада устозимиз Азиз Оппоқович Тўраевнинг Усмон ота ҳақидаги хотиралари билан танишасиз.**

**Ш.УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Фахрийларнингижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси раисининг ўринбосари.**



Фарғоналик
АЛЛОМАЛАР

# УСМОН ЮСУПОВ

## Портретга чизгилар

Халқимиз ўзининг фидойи, эл ҳурматига сазовор бўлган улуғ инсонларини ҳеч қачон унутмайди. Ибратли ҳаёти, оламшумул ишлари билан миллат қалбидан мангу жой олган Усмон Юсупов, Шароф Рашидов сингари ўтган асрнинг етук сиймолари номлари тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилган. Бу ибратли комил инсонлар ҳақида бугунги авлодга ҳикоя қилиб бериш ўша даврда яшаган ва ҳозир ҳаёт бўлган фахрийларнинг муқаддас бурчи, вазифаси.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган эъзозли инсонлардан бири ҳам юқорида зикр этилган ана шундай юксак мақомга эга бўлган раҳбар. Уни халқ чексиз ҳурмат-эҳтиром билан «Ота» деб тилга олишган. Ўз даврининг чинакам қаҳрамони, республикани энг оғир йилларда бошқарган, нафақат бошқарган, балки уни иккинчи жаҳон урушининг даҳшатли синовларидан муваффақиятли олиб чиқиб, оёққа турғазган толмас етакчи Усмон Юсупов ҳақида қанча ёзса, шунча оз. Мен ана шундай улуғ инсон билан бир неча йил бирга ишлаш жараёнида уларнинг бетакрор фазилатларини тилга олишни ўзимнинг бурчим деб билдим.

У чинакам истеъдод, юксак қобилият, битмас-туганмас куч-ғайрат, ёрқин ақл-идрок эгаси эди. Усмон Юсупов Фарғонанинг Каптархона аталмиш оддий қишлоғида 1900 йилнинг 1 мартида туғилиб вояга етган. Ўша давр ақидаларига биноан эскичасига таълим олган, лекин биронта Олий таълим муассасасини тугалламаган. Лекин ўзининг салоҳияти, тафаккури, интилиши, ўз устида тинмай ўқиб-ўрганиши туфайли оддий қишлоқ боласидан дунёга таниқли давлат ва сиёсат арбоби даражасига етган.

Усмон Юсуповнинг ёрқин ҳаёти саҳифаларини варақласангиз, бугунги ёшлар учун намуна бўладиган хислатлари жуда кўп. У республикага раҳбар бўлган йиллари халқ ҳашари йўли билан мисли кўрилмаган йирик сув иншоотлари — Катта Фарғона канали, Каттақўрғон сув омбори сингари улкан қурилишлар ниҳоятда қисқа муддатда, яъни 45 кунда амалга оширилган. Бундай катта ҳажмдаги ишларни замонавий техника тараққий этган ҳозирги кунда ҳам ана шундай қисқа муддатда барпо этиш жуда ҳам мушкул. Мана сизга халқнинг ғайрат-шижоати, ташаббускорлиги, республика раҳбарининг етакчилик салоҳияти, халқнинг руҳиятини кўтара билиш санъати. Бундай кўтаринкилик, бир тан-бир жон бўлиб ҳаракат қилиш, фидойилик ва жасорат ҳеч қачон бўлган эмас. Бу оламшумул ишлар ҳақида кўплаб бадиий асарлар ёзилган бўлса ҳам, ҳалигача халқнинг бунчалик куч-қудратини тўлалигича ифода эта оладиган тагзаминли китоб нашр этилмаган.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистон нафақат фронтга қурол-аслаҳа ва жанговар қуроллар ва самолётлар, кийим-кечак ва озуқа етказиб берувчи асосий республика бўлибгина қолмай, балки фронт ҳудудидан эвакуация қилинган аҳоли ва етим болаларни ҳам қабул қилиб, уй-жой билан таъминлашни ўз зиммасига олган ўлка ҳам эди. Ўша йиллари Россия, Украина ва Беларуснинг душман томонидан босиб олинган ҳудудларидан бир миллиондан ортиқ киши, жумладан, 200 минг бола Ўзбекистонга олиб келинган. Сизга бадиий асарлар, газета-журналлар мақолалари ҳамда кинофильмлардан маълумки, уруш йилларида кўпгина ўзбек оилалари иккита ва ундан ортиқ болаларни ўз тарбияларига олганлар. Ҳатто, Ш.Шомаҳмудовлар оиласи 14 та, Ҳ.Самадовлар оиласи 12 та, М.Жўраев ва Ашурхўжаевлар оиласи 8 тадан етим болаларни ўз қарамоғига олиб, уларни тарбиялаб-ўргатиб вояга етказган.

Ўзбекистон фронт орқасидаги етакчи республика сифатида, Совет қуролли кучларини зарур анжомлар билан таъминлашга муҳим ҳисса қўшган. Уруш йиллари республикада 280 та корхона барпо этилди. Улар ёрдамида фронт учун 2100 та самолёт, 17342 та авиамотор, 2318 минг авиабомба, 17100 та миномёт, 4300 бирликдан иборат миналарни йўқ қилувчи махсус қурол, 1 млн. дона граната ва бошқа зарур қурол-аслаҳалар, кўчма ҳарбий-санитария ҳамда ошхона анжомлари етказиб берилди. Шунингдек, уруш қатнашчиларига 7,5 миллионта гимнастёрка, 2,6 миллион дона пахтали нимча, 2,8 миллионта ҳарбий этик етказилди.

Бундай катта ҳажмдаги топшириқни режалаштириш ва ўз муддатида бажара олишини таъминлаш учун республика раҳбариятидан, шахсан Усмон Юсуповдан ниҳоятда катта ташкилотчилик ва талабчанлик, юксак масъулият ва мустаҳкам ирода, соғлиқ талаб этилишини тасаввур қилиш қийин эмас. У уруш йилларида туну кун нималигини билмас, иш жойи ётоғи бўлди, завод-фабрикалардан, далалардан оёғи аримади. Бўш бўлдим дедими, оилаларга юз тутди, етимлар ҳолидан хабар олди. Ҳатто ўша йиллари республикамизга келтирилган 200 га яқин таниқли ёзувчи ва шоирлар, жумладан, Анна Ахматова, Якуб Колас, Алексей Толстой, В.Ян, Маргарита Шагинян сингари етук қалам соҳибларининг ҳам ҳолидан хабар олибгина қолмай, уларнинг эркин ижод қилишлари учун етарли шарт-шароитлар ҳам яратиб берди.

Энди мен комсомол ташкилотларида ишлаган давримда Усмон Юсупов билан шахсан учрашган дамларнинг хотираларини имкон қадар даражада ўртоқлашмоқчиман. Бу учрашув ва суҳбатлар менинг хотирамда мангу муҳрланиб қолган. Уларни эсдан чиқариш асло мумкин эмас.

Мен тилларда достон бўлган афсонавий раҳбар Усмон ота Юсуповни 1957 йилда илк бора кўрганман. 1956 йили Тошкентдаги педагогика техникумини тамомлаб, Мирзачўлдаги Боёвут районига йўлланма билан ишга борганман ва 1957–1958 йиллари Усмон ота раҳбарлигидаги 4-Боёвут совхозидаги 47-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаганман. У киши ўзи бошқарган 8 ўринли ГАЗ-67 машинасида хўжаликни айланар, сўнгра бизнинг мактабимиз ёнидаги чойхонага келиб озроқ дам олиб кетар эди. Мен Усмон отани бир неча бор узоқдан шу чойхонада кўрганман.

Яқиндан танишиш эса 1959 йилда юз берган. Ўша йили февралида мени Боёвут район комсомол комитети секретари лавозимига сайлашди. Иш юзасидан совхозга кўп бор бўлишга тўғри келган. Ҳар сафар борганда район ёшлари етакчиси сифатида, албатта, хўжалик раҳбари билан учрашишга тўғри келарди. У киши ҳар сафар борганимда «Ўғлим, яхши келдингми, бизга нима хизмат», дея илиқ кутиб оларди.

Эсимда уларнинг столида ҳар доим катта чойнакда чой дамланиб турарди. Суҳбатлашишдан олдин аввало бир пиёла чой узатарди. Хушмуомалаликда, чин инсонийлик хислатларида у кишига тенг келадиган одам йўқ эди, десам янглишмайман. Шундай масъулиятли улкан лавозимларда ишлаган бўлсаларда, ўзини ҳеч қачон катта тутмасди. Мен жуда ёш бўлсам ҳам ҳурматимни жойига қўярди. Ҳатто уларга бевосита тегишли бўлмасада, хўжаликнинг комсомол-сайлов йиғилишларида ҳам фаол қатнашарди.

1960 йилнинг кузи. Пахта йиғим-терими айни қизиган пайт. Ўша пайтлари йиғим-терим бўйича ҳар ўн кунда районлар ўртасида ўзаро мусобақа ўтказилар, ғолибга республика Қизил байроғи топширилarди. Сентябрь ойининг сўнгги ўн кунлигида бизнинг Боёвут районимиз йиғим-теримда энг юқори кўрсаткичга эришиб, республика Қизил байроғини қўлга киритди. Шу муносабат билан район фаолларининг йиғилиши чақирилди. Биз ҳам ўша йиғилишда қатнашаётгандик. Унда райкомнинг биринчи котиби Эркабой Исломов ҳаммани юксак мукофот — ғалаба билан табриклаб турган бир пайтда телефон жиринглаб қолди. Ҳамма жим, ҳаяжонда. Телефонда республика раҳбари Шароф Рашидов пахта йиғим-теримидаги ғалаба билан Боёвут райони меҳнаткашларини қизғин қутлади. Районимиз раҳбари шахсан Рашидовдан табрикни қабул қиларкан, ўз ҳис-ҳаяжонини боса олмай ҳар сўзида: «Шароф Рашидович, мана биз фаоллар йиғилишиб ўтирибсиз, мажлисда Усмон Юсупов, Турсунбой Латипов, Қуддус Рашидов каби устозлар қатнашмоқда. «Улар кейинги ўн кунликда ҳам Қизил байроқни қўлдан чиқармасликка ваъда беришмоқда», деб бир неча бор такрорлай берди. Шунда Шароф Рашидов телефонни Усмон Юсуповга беришни сўраган бўлсалар керак. Усмон ота Шароф Рашидов билан сенсираб гаплашди. Шундан ҳам билса бўладики, Усмон ота Рашидов билан жуда яқин бўлган. Мен жонли гувоҳман, суҳбатда шундай сўзлар янгради:

– Шароф, биз томонларга бир келсанг яхши бўларди, сени кўрсак бизга катта мадад бўлади, – дедилар Усмон ота миннатдорчилик билдириб.

Ўшанда йиғилиш қатнашчилари ҳайратдан донг қотиб қолишганди. Чунки, совхоз раҳбари кимсан республиканинг биринчи раҳбари билан эмин-эркин гаплашарди. Бундай воқеа ҳеч қачон, ҳеч қаерда юз бермаганди.

Усмон Юсупов республикага биринчи раҳбар бўлиб қарийб 15 йил ишлади. Бу йиллар, яъни 1937–1950 йиллар энг оғир йиллар эди. Даҳшатли репрессия, Иккинчи жаҳон уруши, урушдан кейинги қийинчиликларга чидаш осон эмас эди. Лекин Усмон Юсупов ўзининг туғма ташкилотчилиги, одамийлиги билан халқнинг дардини енгиллаштиришга ҳаракат қилди, имкон даражасида одамларнинг оғирини енгиллаштиришга ҳаракат қилди, буюк қурилишлар бошида турди. Кадрларни танлаш, тарбиялаш, жой-жойига қўйишда узоқни кўзлаб иш тутди. Ватанни севиш, халқ манфаатини биринчи ўринга қўйиш, ҳамма нарсада поклик, виждонан ишлаш Усмон Юсуповнинг асосий талабларидан эди. Усмон Юсупов раҳбарлиги даврида «кўплаб ҳақиқий элсевар, халқсевар кадрлар етишиб чиқди. Шулардан бири Шароф Рашидов эди. Усмон Юсупов биринчи марта Шароф Рашидовни 1943 йили Фарҳод ГЭСининг қурилишида учратади, яъни умумхалқ ҳашарида қатнашиш учун Самарқанддан 10 минг одам келган ва Самарқанд область газетасининг бош муҳаррири Шароф Рашидов уларнинг сиёсий раҳбари эди. Ана шу буюк қурилишда, Усмон Юсупов журналист Шароф Рашидов билан яқиндан танишади ва Шароф Рашидовни бундан кейинги фаолияти Усмон Юсупов эътиборида бўлади. Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, Усмон Юсупов Шароф Рашидовнинг ҳақиқий устози. Шароф Рашидов Усмон Юсуповнинг охирги кунигача унга ғамхўрлик қилди, шогирдлик бурчини аъло даражада бажарди.

1954 йили Усмон Юсуповни бемаъни айблар асосида вазифасидан озод этиб, республикадаги энг қолоқ 4-Боёвут совхозига ишга (сургун деса ҳам бўлади) юборилди.

1955 йили Мирзачўлга жўнаб кетишдан олдин Усмон Юсупов хайрлашиш учун Шароф Рашидов ҳузурига киради. Бу вақтда Шароф Рашидов Республика Олий Совети Президиумининг раиси эди. Кетиш олдидан Усмон Юсупов Шароф Рашидовга «Шарофжон, энди менинг ўлигим ҳам, тиригим ҳам сенсан» деб чиқиб кетади. Бундай васиятни фақат энг ишонган одамга айтиш мумкин.

Шароф Рашидов эса устозини ҳеч вақт унутгани йўқ. 1976 йили Москвада «Молодая гвардия» нашриётида Борис Ресков, Геннадий Седовларнинг «Усмон Юсупов» номли 65 минг нусхада китоби нашр этилди. Бу Ўрта Осиё давлат ва жамоат, фан-маданият арбобларига бағишланган биринчи нашр эди. Бундай китобнинг нашр этилиши сўзсиз Шароф Рашидов билан боғлиқ эди. Бу ҳам устозга бўлган таъзим эди.

Усмон Юсуповнинг кадрларга бўлган эътибори тўғрисида яна бир мисол келтирмоқчиман.

Мен матбуот саҳифаларида 50 йилларда Тошкентда илм-фан, маданият ва санъатга бағишланган катта йиғилиш бўлгани ва унда Усмон Юсупов бошчилигида республика раҳбарлари иштирок этганлиги ҳақида ўқиган эдим (афсус, газета ёки журналнинг номи ёдимда қолмаган). Шу йиғилишда кўплар қатори ёш олим Иззат Султон ҳам сўзга чиқиб, муҳокама қилинаётган масалалар бўйича ўзининг фикрини айтиб, Усмон Юсупов адресига ҳам танқидий фикрларини айтади. Бу вақтда республика Министрлар Совети раисининг шу масалалар бўйича ўринбосари вакант бўлган экан. Шу катта мансабга лойиқ номзод қидирилаётган экан. Усмон Юсупов ёнида ўтирган республика Министрлар Советининг раиси А.Абдураҳмонов ўзини танқид қилиб турган одамни кўрсатиб, "ўринбосарликка одам қидиряпсан, мана бор экану", деб айтган экан.

Иззат Отахоновични ҳукумат бошлиғининг ўринбосари сифатида қандай ишлаганлиги ҳаммамизга номаълум. Лекин у кишининг ўзбек адабиётининг билимдони, етук ёзувчи-драматург, академик, фанимизнинг ҳақиқий жонкуярларидан бири эканлигини яхши биламан.

Усмон ота санъат аҳлининг чинакам ғамхўри эди. У мумтоз қўшиқларни жондилдан севар, миллий куй ва ашулалар меҳнат аҳлига беқиёс куч-қудрат бағишлашини дилдан ҳис қиларди. Шу сабабли уруш даври, жуда катта қийинчиликлар бўлишига қарамай улкан бунёдкорлик ишларининг бошида бўлган. Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Собир Абдулла, Ҳабибий сингари ёзувчи-шоирларни, Ҳалима Носирова, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, М.Қориёқубов, М.Уйғур, Саттор Ярашев, Маҳмуджон Ғафуров, Лутфихоним Саримсоқова, Аброр Ҳидоятов, Сора Эшонтўраева сингари санъаткорларни доимий равишда йўқлаб турган. Бу таниқли ижод аҳлини Усмон ота ўша даврдаги турли бало-қазолардан иложи борича сақлаган. Ҳатто, кейинчалик етук академик, адабиётшунос-олим бўлиб етишган Азиз Қаюмов Усмон отанинг уйида бир неча йил яшаганлигини, афсуски, ҳамма ҳам яхши билавермайди.

Яна бир нарсага эътибор беринг. Уруш ва ундан кейинги қийинчиликлар, етишмовчиликлар ҳар қадамда учраб турган даврда Муқимий номидаги мусиқали драма театри, Алишер Навоий номидаги опера ва балет катта театри қуриб ишга туширилган, Ўрта Осиёда ягона консерватория ва Хореография билим юрти очилган, Ўзбекистон Фанлар Академияси ўз фаолиятини бошлаган. 1948 йилда Тошкентда 2000 ўринли концерт залининг иш бошлаши маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлган. Буларнинг барчаси Усмон Юсуповнинг бевосита раҳбарлигида амалга оширилган. Келажакка ишонч туйғуси, миллат тақдири унинг қалбини ҳеч қачон тарк этмаган.

1950 йилларнинг охирлари, баҳор фасли эди, аниқроғи апрель ойлари эди, район ёшларининг раҳбари сифатида туман бўйлаб хизмат сафарига чиққандим. Тагимда мотоцикл, у пайтларда хизмат юзасидан шу ҳайдов техникасида юрардик. Боёвут совхозидаги машҳур Усмон отанинг боғи ёнидан ўтаётсам, иккита «Газ-69» енгил машинаси турарди. Мен устозлар билан сўрашмасдан ўтиб кетолмадим, виждоним йўл қўймади. Боққа кирсам, Усмон ота билан райком партиянинг иккинчи котиби Геннадий Иванович Кретов суҳбатлашиб, боғни сайр қилиб юришган экан. Бу боғ чўлдаги чинакам гўзал, ўхшаши йўқ жаннатмакон жой эди. Усмон ота мени илиқ қарши олиб, салом-аликдан сўнг боғдаги дунёнинг турли қитъаларидан машҳур академик, республиканинг бош боғбони Ризамат ота Мусамуҳаммедов бошчилигида келтирилган дарахтлар ҳақида сўзлаб кетдилар. Чиндан ҳам боғда хурмо дарахтлари дейсизми, Лотин Америкаси ёки Европадан келтирилган ноёб дарахтлар дейсизми, ҳаммаси гуллаб-яшнаб турарди. Ўша пайтда эсимда қолгани жуда ажойиб бир сирен гул дарахт очилиб, ўзидан шундай ифор таратиб турардики, беихтиёр чўл ўртасида ажиб бир чаманзор борлигидан ҳайратда қолгандим. Шунда Усмон ота ёнимга келиб, елкамга ўзининг оғир ўнг қўлини ташлаб, «Чўлда иккита муаммо ҳал этилса, ҳаммаёқ гуллаб-яшнаб кетади. Биринчиси, дарахтларни кўпайтириш, ҳар бир хўжаликда шундай боғларни ташкил этиш. Иккинчиси, ёш кадрларни тарбиялаб, чўлга келтириш. Ана шунда Мирзачўл Мирзагулистон бўлади», деб алоҳида таъкидлади.

Шу ўринда яна бир воқеани эслаш ўринли. 1960 йил Тошкент вилояти фаолларининг йиғилиши чақирилди. У пайтлар Мирзачўлдаги районлар Тошкент вилоятига қарарди. Пойтахтнинг «Баҳор» концерт залида ўтаётган йиғилишда Шароф Рашидов ҳам қатнашаётган эди. Зал тўла одам. Ҳамма таниқли раҳбарлар жам бўлган. Рўйхат бўйича йиғилиш президиуми сайланди. Президиумга сайланган одамлар чиқишгач, Шароф Рашидов обком партиянинг биринчи котиби Малик Абдураззоқовнинг қулоғига бир нималар деди. Шунда биринчи котиб йиғилиш қатнашчиларига мурожаат қилиб: «Ўртоқлар, йиғилишимизда ҳурматли Усмон Юсупов ҳам қатнашмоқдалар. Шу кишини ҳам Президиумга таклиф қилсак, нима дейсизлар?» деди.

Ҳамма ўрнидан туриб, залда гулдурос қарсаклар янграді. То Усмон Юсупов ўрнидан туриб, Президиумга чиқиб жойига ўтирмагунча қарсаклар тинмади. Мана сизга, собиқ раҳбарга ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат!..

Шу мажлисдан кейин кўп ўтмай Усмон Юсуповни Янгийўл районидаги "Халқобод" аграр-саноат бирлашмасига директор қилиб ўтказишди. Чўлдаги хўжаликдан пойтахт яқинидаги совхозга раҳбар қилиб тайинлашининг ўзи Усмон Юсуповга билдирилган юксак ҳурмат белгиси эди. "Халқобод" ўзбек тракти ёнида жойлашганлиги учун Шароф Рашидов қачон Сирдарё, Жиззах ёки Самарқанд вилоятларида машинада ўтиб қолса, албатта, Усмон Юсуповни зиёрат қилган, дуосини олган.

Яна бир воқеа. 1970 йилларда маданият бўлими мудири бўлиб ишлардим. Бир куни Шароф Рашидов мени ҳузурларига чақириб: «Сиз Янгийўлга бориб келинг, эшитишимча, Усмон отанинг у ердаги ҳовлиси хароб аҳволга тушиб қолган экан. Бир-икки ой муҳлат. Тегишли раҳбарлар билан шу уй-музейни тартибга келтирсангиз», дедилар.

Менга топширилган вазифани бажариш учун ёнимга Маданият вазирининг ўринбосарини олиб, Янгийўлга бордим. Ҳақиқатан ҳам ҳовли ачинарли аҳволда. Жуда хароб аҳволга тушиб қолган, бинолар таъмирланмаган, дарахтлар қуриб қолган, ҳатто Усмон Юсуповнинг ҳайкали ҳам ташвишли аҳволда эди.

Биз район, вилоят раҳбарлари, Маданият вазирлигининг махсус таъмирлаш бошқармаси мутасаддилари билан биргаликда бир-икки ойда эмас, балки бир ярим ойда топшириқни бекаму-кўст уддаладик. Мен бу ҳақда Шароф Рашидовичга тўлақонли ахборот бердим. Шароф Рашидович барчамизга миннатдорчилик билдириб, собиқ раҳбарларга, устозларга ҳар доим ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, оқибатни эсдан чиқармасликни алоҳида таъкидлади. Бу ақидага ўзлари ҳам бир умр амал қилиб ишлаган.

Усмон ота ҳақиқий оилапарвар инсон эди. Турмуш ўртоғи билан тўрт фарзандни, яъни Леонид, Ўлмас, Инесса ва Зояни тарбиялаб вояга етказишди. Зоя – уруш йиллари Усмон отанинг кўплар қатори асраб олган қизи эди. Мана сизга раҳбарнинг одамийлик, чин инсоний хислати. Мен Усмон отанинг Ўлмас ўғли билан Ўзбекистон кинематография Давлат қўмитасида бирга ишлаганман. Ўлмас истеъдодли, санъатга яқин инсон эди. Ҳатто режиссёр Дамир Салимовнинг икки серияли "Ҳаёт мазмуни" фильмида бош ролни отасининг образини яратган. Унинг гавдаси, хатти-ҳаракати, гап-сўзлари Усмон отанинг ўзи эди.

Улуғ инсон, фидойи раҳбар, «халқ отаси» деган муқаддас номга, эъзозга мушарраф бўлган Усмон ота Юсупов 1966 йил 7 майда бу фоний дунёни тарк этди. Унинг вафоти бутун республика аҳлининг қайғусига айланди. 8 май куни Тошкент марказий майдонида Усмон ота билан сўнгги бор хайрлашув маросими ўтказилди. Бутун Ўзбекистон Усмон Юсупов билан видолашди. Чунки маросим республика радио ва телевидениеси орқали трансляция қилинган эди.

Машҳур академик шоиримиз Ғафур Ғулом Усмон Юсуповнинг вафоти муносабати билан бўлиб ўтган митингда шундай деган эди:

«Табиатнинг ўлим деб аталган мудҳиш қонуни бугун бизнинг орамиздан қадрдон Усмон Юсуповни олиб кетди. Машҳур файласуф шоир Шайх Муслиҳиддин Шерозий Саъдийнинг укаси ўлганда, «Укангиз нимадан ўлди, унинг ўлимига нималар сабаб?» – деб сўраганларида «Ҳаёт!» – деб жавоб берган экан. Балли, ҳаёт кишилар қачондир бир кун ўладилар. Аммо дўстимиз Усмон Юсупов ҳаётлар ичида ҳаётийроқ кишилардан бири эди.

Оддий бир камбағал батракнинг ўғли, Фарғона пахта заводида, Янгийўл ёғ заводида ишлаб юрган росмана бир ишчидан Усмон Юсуповдек катта давлат арбоби, халқ ташкилотчисининг етишиб чиқиши учун мутлақо шу халқ керак эди.

Тарихни инсонлар яратади. Халқимиз орасидан не-не доно давлат арбоблари, ишчи ва деҳқонлар оммасининг ишончли етакчилари, меҳнат қаҳрамонлари, фан, санъат ва адабиёт арбоблари етишиб чиқди. Ўзбек халқининг буюк ўғлонлари Акмал Икромов, Файзулло Хўжаев, Йўлдош ота Охунбобоев, Ҳамза Ҳакимзода, Ҳамроқул Турсунқулов, Ҳабиб Абдуллаев, Ҳамид Олимжонлар қатори Усмон Юсупов ҳам ана шундай улуғ зотлардан биридир.

Хусусан, улуғ Ватан уруши йилларида у халқнинг ватанпарварлик руҳини оширишда жонбозлик кўрсатди, фронтни керакли яроқ ва маҳсулотлар билан таъминлашда халқ қудратини уюштирди, фронт орқасининг мустаҳкам бўлишини таъминлашда иштирок қилди, уруш оқибатида хонавайрон бўлганларга меҳрибонлик қилди, етимлар бошини силади.

Меҳрибонимиз Усмон Юсупов, айниқса, санъат ва адабиётни севарди ва санъат-адабиёт аҳлининг ҳар бирига ғамхўрлик қилар эди. Хусусан, уруш бўлиб турган вазмин йилларда бизга кўрсатган меҳр-у муҳаббати ҳеч қачон ёдимиздан асло чиқмайди!». У ўз сўзини ҳамманинг қалбни ларзага солувчи «Сенга катта Фарғона каналидан салом! Сенга Фарҳод ГЭСидан салом! Сенга Каттақўрғондан салом! Сенга Мирзачўл аҳлидан салом!...» дея тугаллаган эди ўз сўзини Ғафур Ғулом...

Шароф Рашидов Усмон Юсуповнинг Янгийўлдаги ҳовлисида бўлган йиғинда шундай деган эди:

«Биз Усмон Юсуповнинг ўз қўли билан яратилган боғда ўтирибмиз. Усмон Юсуповнинг қадами қаерга етмасин, унинг қўли етган жойда боғлар, янги ерлар, гулзорлар, ҳаёт пайдо бўлар эди.

У ҳақиқий боғбон эди. У ўз олдига қўйган вазифаларни муваффақиятли бажариб, ғалаба билан қайтар эди. Бизлар бунинг гувоҳимиз". («ЖЗЛ» Москва, 1976 йил. 251-бет)

Йиллар ўтади. Асрлар ҳам ўтади. Неча-неча авлодлар келиб-кетарлар. Лекин Ўзбекистон деб аталмиш кўҳна заминда яшаб, раҳбарлик қилиб, оламшумул бунёдкорлик ишларини амалга оширган. «Халқ отаси» – Усмон Юсуповнинг номи тарих саҳифасида мангу қолади.

**Азиз ТЎРАЕВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, профессор.**
**ЎзА.**

МУАССИС: ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайти www.fargona.uz

Бош муҳаррир: Муҳаммаджон ОБИДОВ

Газетадан материал кўчириб босилганда «Фарғона ҳақиқати»дан олинди деб кўрсатилиши шарт.

Офсет усулида А-2 форматда (4 бет) чоп этилди. 2007 йил 9 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фарғона вилоят бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Газета таҳририятига юборилганқўлёзма ва суратлар қайтарилмайди.

Газетамиз ҳақидаги муълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

*Газета «Полиграф-Пресс» МЧЖ босмахонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида чоп этилди. Манзили: Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236 «Б» уй.*

*Босишга топшириш вақти: 19.00. Топширилди: 19.00.*

Буюртма: 50
Индекс: 7521
Адади: 10 455

Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.
Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73-226-02-70.
Реклама ва эълонлар: 73-226-71-24.

Саҳифаловчи Алишер Розиқов.

ISSN: 2010-8370

*Газета сешанба ва жума кунлари чиқади.* ■ Баҳоси келишилган нархда. ■ Навбатчи муҳаррир Маъсуджон Сулаймонов. ■ *Газета сифати учун босмахона масъул.*